

**КОРЕЙС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА “LINGQ”, “FUN EASY LEARN”, “IBRAT ACADEMY”
КАБИ МОБИЛ ИЛОВАЛАР**

Ирода Санъат қизи Тоҳирова
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Аннотация: Уишибу мақолада корейс тилини ўқитишида “Lingq”, “Fun easy learn”, “Ibrat academy” каби мобил иловалар дан фойдаланишга бағишиланган. Чет тилларини ўқитишида мобил иловаларнинг имкониятлари тавсифланган ҳамда улардан фойдаланиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: информацион коммуникацион технологиялар, таълимни ахборотлаштириш, тинглаш, ўқиш, гапириш, грамматика, ўқиш, чет тили таълимида мобил қурилмалар, мобил иловалар.

Кўпгина олимлар – тилшуносларнинг фикрига кўра, корейс тили Шимолий Осиёда пайдо бўлган олтой тиллари оиласига киради. Таъкидланишича, корейс ва япон тиллари ўртасида тарихан муносабатлар ўрнатилмаган бўлса-да, бу икки тилнинг грамматик тузилмалари жуда ўхшашдир.

Хитой иероглифарнинг 80% дан ортиғи - 21811 фонетик жиҳатдан мураккаб иероглифлар ҳисобланади. Бу иероглифлар ярим идеографик ва ярим фонетик бўлиб, яъни уларнинг бир қисми иероглиф маъносини ўз ичига олган семантический элемент, иккинчи қисми эса иероглифнинг талаффузини кўрсатувчи фонетик калит ҳисобланади. Бу иероглиф хитой-корейс иероглифларнинг аксарият қисмини ташкил қиласди²⁵. Шу сабабли ҳам корейс тилида хитой тилидан кириб келган кўпгина ўзлашма сўзлар бор. Бу ўз навбатида бу тилни ўрганиш давомида хитой, япон тилларидан ҳам баъзи грамматик қоидаларни билишни тақозо қиласди.

Ҳозирги кунда хорижий тил ўргатишига эътибор кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боисдан қатор замонавий электрон дарслик, ўқув қўлланмалар, компьютер ва мобил дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир ўқув даструларини мақсади битта хорижий тилни тезда ва мўкаммал ўргатишига қаратилган.

Электрон таълим 1960 йиллардан бошлаб, компьютерлар ва турли дастурний таъминотлар ўқув жараёнида фаол қўлланнила бошланган пайтдан ривожлана бошлади ва АҚШдаги Иллинойс университетида биринчи PLATO (Programmed Logic for Automated Teaching Operation) электрон таълим тизими ихтиро қилинди. “e-learning” атамаси кейинроқ XXаср 90-йилларида пайдо бўлган.

Таълимнинг янги йўналишларидан бири мобил таълим (m—learning) –“таълим олувчининг қаерда турганлиги ёки жойини ўзгариши ҳам таъсир ўтказа олмайдиган, мобил қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўқий оладиган электрон таълим туридир.

²⁵ Куротченко К.Б. ва бошқалар. Корейский язык: Учебное пособие. – М.: 2005. – С.38

“Мобил иловалар” – бу маълум платформага ўрнатилган ва маълум функцияларга эга бўлган планшетлар ва смартфонлар учун ишлаб чиқилган дастурдир. Оддий қилиб айтганда, у муайян ҳаракатларни амалга оширади ва маълум бир қатор масалаларни ҳал қиласди²⁶. Мобил таълимнинг асосий афзаликлари орасида портативлик, исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш имконияти, мослашувчанлик ва ўз вақтида кириш, тезкор алоқа, талабаларни рағбатлантириш ва жалб қилиш, фаол ўрганиш киради²⁷.

Ю.В. Еремин ва Э.А. Крылова чет тилини ўрганаётган талабаларнинг мустақил таълим учун “MobileTeacherHub 1.0” мобил иловасини ишлаб чиқиш тажрибасини тавсифлайди (муаллифлик ўқитиш ва назорат қилиш дастури асосида стол компьютерлари ва ноутбуклар учун “TeacherHub” дастурини таърифлаб берган.)²⁸. Тадқиқотнинг асосий мақсади чет тилларини ўқитиш соҳасида мобил иловалардан фойдаланиш имкониятлари, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолашдан иборат. Таклиф этилаётган лойиҳанинг ахборот мазмуни таълим, алоқа ва мониторинг блокларидан иборат. Маълумот остида таълимда қўлланиладиган тузилган мавзу мазмуни жараён мобил таълим соҳасидаги (таълим) мазмуни тушунилади²⁹.

Ю.А. Гузь ўз ишида немис тилини ўқитишда мобил иловалар ва бошқа ахборот технологиялари фойдаланиш имкониятларини тасвиirlайди³⁰. Масалан, муаллиф ўзининг ўқитиш амалиётида немис тилини ўқитишга хос ҳаволалардан, “YouTube” ресурсидан (ўрганилаётган тилда аудио ва видео манба сифатида) немис тилини ўрганувчилар учун онлайн интернет- жамоалар (турли мавзулар бўйича катта ҳажмдаги материаллар манбаи), “Quizlet” иловасидан (сўзларни машқ қилиш учун), фойдаланувчи ҳужжатлари ва файллари билан рақамли ишлов “Pinnwand Padlet” (турли турдаги материалларни намойиш қилиш, дарсдан ташқари веб-квестлар учун QR-кодлар ва мессенжерлар ва бошқалардан фойдаланади.

Тажриба муаллифлари талабаларни бир қатор баҳолаш мезонлари – функционал талаблар (турли хил операцион тизимларда кириш имконияти, Интернетга кириш), дўстона фойдаланувчи интерфейси, таълим мазмунига мувофиқлигига мос таълим стандарти, фикр-мулоҳазаларни ташкил этиш ва мақсадга мувофиқлиги, таълим жараёнида иловадан фойдаланиш каби ишлаб чиқилган дастур моделини таклиф қилмоқдалар.

²⁶ Абдуқодиров В. Г. Тил ўрганишда мобил иловалар//Eurasian Journal Of Academic Research. Т. – 2022. №. 6. – Б. 810-812

²⁷ Woodill G. The mobile learning edge: tools and technologies for developing your teams. NY: McGraw Hills. 2011. - Р.24.

²⁸ Еремин Ю.В., Крылова Е.А. Использование мобильных технологий в самостоятельной работе студентов по иностранному языку в неязыковом вузе // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2014. № 167. С. 162-163.

²⁹ Бисимбаева П. М., Илюшкина М. Ю. Мобильные приложения в обучении иностранному языку как компонент системы вузовского образования // Studia Humanitatis. 2020. №2. – С.9

³⁰ Гузь Ю.А. Эффективное использование мобильных приложений и планшетов в обучении иностранному языку // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. № 4 (21). С. 60-61

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари сифатида тадқиқ этилаётган мобил иловалар ўзига хос фунционал вазифага эга бўлиб, уларни қўйидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида асосий материаллар билан параллел равишда фойдаланиш учун қулай бўлган ўқув қўлланмаларига қўшимча сифатида мобил иловалар;

Иккинчи гуруҳ – корейс тилини мустақил ўргатиш сифатидаги мобил иловалар;

Учинчи гуруҳ – масофавий таълимга мўлжалланган мобил иловалар. Уларнинг таркибиға хорижий тилни ўрганиш учун асосий материалларни, тил ўрганишда тўғри йўлдан кетаётганини текшириш учун тестлар, шунингдек мулоқот киради.

Бу мақолада шулардан учта мобил илова кўриб чиқилади.

LingQ³¹ (“link” деб талаффуз қилинади)- испан, немис, француз, инглиз, хитой, япон, корейс, португал ва италян каби 14 хорижий тилни ўз ичига олган, кенг қамровли хорижий тилни ўрганишга мўлжалланган илова.



Бу дастурнинг асосий вазифаси тил компетенцияларидан ўқиш ва тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш орқали тилни ўрганишга ёрдам беради. Бу дастур Стив Кауфманн томонидан яратилган, аудио ва ёзма таркибни тақдим этадиган тил ўрганиш веб-сайти ҳамдир. Унинг таркиби тил ўрганиш компетентлари – ўқиш, ёзиш, тинглаш, гапириш ва албатта, сўз бойлигини орттиришга қаратилган. Ҳар бир дарсда ўқиш ва тинглаш компетенциясига қаратилган машқлар берилган. Унда дарс орқали ўқиш ёки корейс тилида сўзлашувчилар томонидан айтилган дарсни тинглаш имконияти мавжуд. Дарслар курсларга ажратилган ва курсларнинг аксарияти ҳикоялардан ташкил топган. Кейинги дарсда ўтган дарсдаги ҳикояга асосланиб, янги сўз бирикмаларини киритган.

FunEasyLearn³² - кундалик ҳаётда керакли сўзларни таъминлаш, доимий мустаҳкамлашга қаратилган.




³¹ <https://www.lingq.com>

³² <https://www.funeasylearn.com>

Кундалик вазиятларда, саёҳат пайтида ёки бизнес муҳокамаларида корейсча ибораларни ўрганиш орқали эркин мулокот қилиш имконияти берилган. Унда 120 дан ортиқ мавзуларга ажратилган. Бу илованинг бошқа иловалардан фарқи унда бажариладиган ҳар бир топшириқдан муваффақиятли ўтилса, совға сифатида гуллар тўпланади, ушбу гуллар кейинги пуллик дарсларни очишга ёрдам беради. Дастреба белуга обуна бўлиш орқали сўзлар ва ибораларнинг янги даражалари очилади. Бу илова профессионал тилшунослар ва тажрибали ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган. Бу илованинг ноёб ўргатишдаги ёндашуви ҳар кимга корейсча ўқиш, ёзиш ва гапириш компетенциясига етишига ёрдам беради. “FunEasyLearn” кичик мавзулардан аста- секин катта мавзуларга қараб, қийинчилик даражаси ошиб боришга қаратилган кенг ва тўлиқ курсларни таклиф қиласди. Ҳар бир феъл, от, сифат, саломлашиш ёки фойдали ибора кундалик ҳаёт билан боғлиқ. Шунинг учун илова шахсий эҳтиёжлар учун ҳам, саёҳат мақсадларида ҳам яхши ишлайди. У асосан 3 қисмдан – алифбо, асосий сўзлар, асосий иборалардан иборат. Асосий сўзлар, асосий иборалар қисми бошланғич даражадан юқори даражагача бўлган дарсларни ўз ичига олади. Ҳар бир дарс ўз даражасига қараб 500-1000 тагача бўлган янги сўзларни ўз ичига олган. Тил ўрганишни энди бошлаган таълим олувчилар учун ушбу илова айни муддао.

Ўзбекистон “Ёшлилар ишлари агентлиги” томонидан ташкил этилган “Ибрат фарзандлари” лойиҳасининг “Ibrat academy” мобил иловаси.



Бу инглиз, турк, корейс, япон, араб, ҳинд каби 15 га яқин хорижий тилларни ўргатишга ва B1 даражага етказишга қаратиган ўзбек дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган дастур. Унда ҳам ўргатишдаги ёндашуви ҳар кимга корейсча ўқиш, ёзиш ва гапириш компетенциясига етишига ёрдам беради. “Ibrat academy” мобил иловасида грамматика дарсда бериладиган монологик тарзда эмас, қоида матни берилиб, мисоллар ёрдамида тушунирилган. Унча кўзга ташланмайдиган тарзда қизиқарли тақдим этилган. Бу дастурни ўзлаштириш учун тил ўрганувчи грамматик мавзу доирасида ибора ва гаплар тузা олиши талаб қилинади. Аввало рўйхатдан ўтилади, ўрганиладиган тил танланади. Дастреба ҳарфлар тушунирилиб, товушлар устида изланишлар олиб борилади. Кейин аста-секин тил компетенцияларининг ўқиш, ёзиш, тинглаб тушунишга қаратилган дарслари бериб борилади. Бу ўзимизнинг миллий

модел бўлиб, унда баъзи тиллар тил компетенциясининг В1, баъзи хорижий тилларда эса В2 га боришига қаратилган.

Юқорида келтирилган иловалар тил ўргатишда қандай функционал вазифаларни бажариши мумкинлигини кўриб чиқилди. Бу “Lingq”, “Fun easy learn”, “Ibrat academy” каби хорижий тилни ўргатишга қаратилган мобил иловаларнинг ютуқлари билан бир қаторда бир қанча камчиликлари ҳам мавжуд. Умуман, нафақат хорижий дастурчилар томонидан, балки ўзбек дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган иловалар хорижий тилни ўрганишга озми кўпми ҳисса қўшиши, хорижий тилларни эгаллаган мутахассислар ошишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Абдуқодиров В. Г. Тил ўрганишда мобил иловалар//Eurasian Journal Of Academic Research. Т. – 2022. №. 6. – Б. 810-812
- 2.Бисимбаева П. М., Илюшкина М. Ю. Мобильные приложения в обучении иностранному языку как компонент системы вузовского образования // Studia Humanitatis. 2020. №2. – С.9
3. Гузь Ю.А. Эффективное использование мобильных приложений и планшетов в обучении иностранному языку // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. № 4 (21). С. 59-62
- 4.Еремин Ю.В., Крылова Е.А. Использование мобильных технологий в самостоятельной работе студентов по иностранному языку в неязыковом вузе // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2014. № 167. С. 158-166.
- 5.Куротченко К.Б. ва бошқалар. Корейский язык: Учебное пособие. – М.: 2005.
- 6.Woodill G. The mobile learning edge: tools and technologies for developing your teams. NY: McGraw Hills. 2011. - 269 Р.
7. <https://www.lingq.com>.
8. <https://www.funeasylearn.com>
9. <https://apkcombo.com/ru/ibrat-academy/uz.ibrat.farzandlari/>